







# КПСС XXVIII СЪЕЗДИ ВА ЎЗБЕКИСТОН КОМПАРТИЯСИ XXII СЪЕЗДИ ҚАРОРЛАРИНИ АМАЛГА ОШИРИШ ЮЗАСИДАН ТОШКЕНТ ШАҲАР ПАРТИЯ ТАШКИЛОТИНИНГ ВАЗИФАЛАРИ ТЎҒРИСИДА

(Охири. Боши 1 ва 3-бетларда).

Келгуси даврда район партия комитетларининг ва йирик партия комитетларининг сиёсий таълим кабинетлари (шаҳарда ҳозир уларнинг сони 20 тадан кўпроқ) янги вазифаларни бажариши лозим. Уларни кадрлар ўқув билан бир қаторда мунозара клублари иш олиб борадиган, баҳслар, семинарлар, конференциялар ўтказиладиган ижтимоий-сиёсий марказларга айлантириш лозим бўлади.

Ижтимоий-сиёсий марказлар шунинг хўжалик ҳисоби қондаларида маълум даражада ҳисобга олиб бориш бу ишнинг хусусиятларидан бирига айланади. Ҳозирги шароитда бу партия комитетлари учун ортинча нарса эмас. Ижтимоий-сиёсий марказларнинг фаолияти аҳолига гуманитар соҳада хизмат кўрсатиш тусини олади ҳамда турли курслар, тўғараклар, компьютер синф хоналари, набель телевидениеси студиялари барпо этишни ўз ичига олади.

Рўй-роқлик, муросасизлик билан тўғри баҳо бериш съездеда бўлиб ўтган муҳокаманинг, унда чиқарилган ҳулосаларнинг ўзига ҳо бўлганлигидир. Маънавий соҳанинг ҳозирги аҳволи, маданият ва аҳоли маърифатининг паст савияси фан натижаларидан фойдаланмаслик, социализмни янгилаш ишига, мамлакат келажига ҳавф солади, деб съездеда таъкидланди. Эндиликда, — дейилди, съездеда, — мамлакатни ақл-идрок ва маънавий жиҳатдан қайта тиклаш КПСС фаолиятининг олдинги палласига чиқиши лозим. Бу масалаларда етарли баҳо бермасликка йўл қўйиб бўлмайди.

Маънавий имкониятларимизни ошириш тўғрисида гапирганимизда энг аввало ҳалқ таълимига буғунги муносабатимиз билан қўйиладиган белгиладиган эртанги кун тўғрисида ўйлашимиз керак. Ҳалқ таълимининг ҳозирги аҳволи тўғрисида ва унинг ҳозирги даражаси тўғрисида мақбаладоримизнинг қиёсасига қараб баҳо бериш мумкин. Мақбаладор эса етишмаётган. Шаҳарга яна 92 миң ўқувчи учун мўлажалланган мактаб зарур. Шаҳар мактабларининг учдан икки қисми машғулотларни икки сменада олиб боришга мажбур.

Булар ҳозирги пайтда мактабларимиз бошидан кеңибатган кўчатларнинг тўла рўйхати эмас. Шу сабабли мактаб билан боғлиқ бўлган ҳамма ишлар партия комитетларининг диққат марказида бўлиши керак, мактаблар иши партия комитетлари учун энг устуни йўналишлардан бири бўлиши лозим. Бунинг устига маорифнинг фанат моддий базасини яхшилаш эмас, шу билан бирга мактаб ҳаётини демократиялаш, ўқитувчиларга эркин, иккидун меҳнат қилиш учун шарт-шароит яратиб бериш ҳам қўзда тутилмоқда.

Олий таълим соҳасида муаммолар оз эмас. Тўғри, бу соҳада муайян силзишлар бўлипти. Тошкент Давлат тиббиёт институти, электротехника алоқа институти, темир йўл транспорти инженерлари, чет тиллар институтилари ва бошқа ўқув юртиларининг партия комитетлари ва маъмурияти таълим-тарбия ишларини фаол қайта қурмоқдалар.

Талабаларга зарур ижтимоий-маиший шароитларни яратиб бериш уларнинг яхши ўқишлари учун зарур. Шу жиҳатдан сўнги йилларда олий ўқув юртилари шаҳарчасини ижтимоий жиҳатдан ривожлантириш бўйича шаҳар кенгаши томонидан кўп иш қилинди. Айтимоқчи, мазкур кенгаш шаҳар партия комитетининг ташаббуси билан ташкил этилган.

Кенгаш фаолиятини тўғридан шаҳарчада талабалар турмуш шароити анча ўзгарди: уй-жой бинолари, уларнинг атрофи обод этилди, овқатланиш, маиший хизмат кўрсатиш яхшиланди.

Маълумки, сўнги йилда Тошкентда иккита янги институт: машинасозлик институти ва иккинчи тиббиёт институти очилди. Ҳар қандай янги ишда бўлгани каби бу ерда ҳам муаммолар жумладан ижтимоий муаммолар кўп. Бу айтишга тиббиёт институтига таълуқли бўлиб Ўзбекистон ССР Соғлиқни сақлаш министрлиги янги олий ўқув юртини ташвишларга тегишли эътибор беради, деб умид қиламиз.

Жамиятимиз олға катта қадам ташлаб ривожланган маърифатли мамлакатлар сафига чиқиб олиши лозим бўлган ҳозирги босқичда партия билан зиёлиларнинг ўзаро муносабатлари жуда муҳим бўлиб бормоқда, бу муносабатлар ҳамisha ҳал қилувчи аҳамиятга эга бўлиб келган. Шунинг устидан тан олиш керак: партия ўзининг баланд сиёсий тахтидан зиёлиларга хайрихолик билан қараб турган даврлар ўтиб кетди ва энди қайтиб келмайди. Давр вазият ва ҳаётнинг ўзи зиёлилар билан қилин ҳақдорлик қилиш зарурлигини, зиёлилар орасида маслаҳатларни топиш зарурлигини таъкидламоқда.

Шу билан бир қаторда партияимиз идора қилувчи партия сифатида зиёлилар, айниқса ёш ишкорлар ходимлар тўғрисида катта ғамқўрлик қилиши лозим. Илмий муассасалардаги ёшлар ўрғасида кадрлар қўлимизнинг қорилиши ташвиш тўғрисида бўлади. Бунинг сабаблари моддий рабатланганлигининг тарикб топан системасидир, меҳнат ва турмуш шароитларининг қониқарсизлигидир. Сўнги вақтларда ёшлар ўрғасида илмий иш обрўсини тушириб кетганлиги ҳам салбий роль ўйнамоқда.

Ҳолбуки, фанни кадрлар билан тўла таъминлаш, илмий ходимлар қўбиланларини рўёбга чиқариш учун барча шарт-шароитни яратиб бериш фан тараққийини жадаллаштиришни бош омили эканлиги шубҳасиздир. Фан муассасаларидаги партия ташкилотлари бу соҳада салмоқли ўрин тутишлари керак. Илмий жамоаларда чинакам иккидун муҳитини, соғлом ахлоқий муҳитни барпо этиш уларнинг биринчи галдаги иши бўлиши керак.

Партия XXVIII съездеда маданий-маърифий муассасалар аҳолига партия таъсирини кучайтириш тўғрисида ташвишликни гапирди. Шаҳар партия комитети мафкура комиссиясининг қарарига бўлиб ўтган мажлисда уларнинг фаолиятини муҳокама қилиш маданият бошқармаси коммунистлари меҳнатқашларнинг дам олишини ташкил этиш, маданият ва истироҳат боғлари, маърифий муас-

сасалар моддий-техника базасини мустаҳкамлашга доир бошқарма фаолиятини жуда сезилиб кетганлиги ташвиш тўғрисида. Видеосалонларда ахлоқсиз ва эротик фильмлар намоиши этилаётганлиги, айрим янги чиққан маданият «арбоблари» шубҳали эротик томошалар уюштиришга тез-тез уринаётганликлари бизни ташвишга солмоқда. Тегинли муассасаларнинг раҳбарлари бундай шароитда қандай ҳаракат қилиш қараридан партия комитетидан бўйбўқ бўлишини қўймоқдалар. Биз шаҳарда миллий ва тарихий ағналарнинг ҳисобга олиш ўз маданий қиёфамизни белгилаб оладиган, шаҳар кишиларнинг маданиятини чинакам санъат асарлари асосида тарбияладиган вақт келди.

Қўпмиллатли шахримизда турли миллат вакиллари ўртасидаги дўстликни мустаҳкамлашга, қайси миллатга мансублигидан, тилидан ва динидан қатъий назар фуқароларнинг ҳуқуқлари ва эркинликларини таъминлашга қўлағайишга миллий ва маданий сиёсатни ўтказиш жуда муҳим аҳамиятга эга. Вазифадир.

Бунда барпо этилаётган миллий маданият марказлари етакчи ўрнини эгаллабди, уларнинг асосий мақсади фуқароларнинг ўсиб бораётган миллий ўзинини англашга қаноятлантиришдан, бизда яшовчи барча миллатлар вакиллари дўстлиги ва қардошлигини мустаҳкамлашдан иборат. Шу асосда одамларни бирлаштириш — миллатлараро зиддиятларни ҳал қилишда жуда катта бунёдкор кучдир. Шаҳарда ҳозирроқ тўғрисида марказ ташкил этилди, яна тўғрота марказ ташкил этилади, лекин шаҳар иқтисодиёти уларнинг фаолиятини бирлаштириб, мувофиқлаштириб турадиган орган, масалан, миллий маданият марказлари раисларининг кенгашини тузиш тўғрисида жон куйдирмади, маданият бош бошқармаси ҳам четда турибди. Бу иш билан жумҳурият миллатлараро маданият маркази ҳам шуғулланмапти. Шу сабабли жамиятини жипслаштиришни бу чинакам шакли миллатлараро муносабатларни соғломлаштиришга ҳали ҳам яхши таъсир кўрсатмапти.

Миллатлараро муносабатларни соғломлаштириш ўшанда некин вазият давом этаётганлиги ва инъолий охирида Тошкентнинг Собир Раҳимов ва Чилонзор районларида юз берган жомкорлар муносабати билан айниқса муҳимдир.

Бу гапирқонуний ва тўла маънода ахлоқсиз халқ-ҳаракатлар яхши режалаштирилган ва таъбирланган деб аниқ айтиш мумкин.

Айрим норасмий тўғрисидаги вакиллари шаҳарда кескинлигини кучайтириш ва вазиятни беқарор этиш учун ҳар бир мо-

жародан фойдаланиб қолишга уринмоқдалар. Ҳар қандайлар билан шундай кескинлигини вужудга келтиришгаптики, бу тартибсизликларга олиб келиши мумкин.

Характери ва ҳаракатлари амалий ва чинакам демократик, қонунийларни ҳурмат қилиш ўзинида турган илғор ўзгаришларни, халқ турмушини яхшилашни вазифа қилиб қўйган ҳар қандай ижтимоий кучлар ва гуруҳлар билан мулоқот қилишга тайёр эканлигининг бир эмас бир неча бор айтиди. Бироқ бир экстремизмни, вазиятни беқарор қилиш орқали ўз мақсадларига эришишга интилишни қатъий қоралаймиз.

Сўнги даврдаги воқеалардан яна «муҳим ҳулоса чиқариб партияимиз-сиёсий, мафкуравий ишларнинг ҳужумкорлигини кучайтиришимиз, ана шу гуруҳларнинг ҳаракатларига қатъий зарба беришимиз ва уларнинг қандай башарасини халқга кўрсатишимиз зарур.

Маданият, бўш вақт, аҳолининг дам олиши соҳаларини янгилаб тақомиллаштириш эканмиз маҳаллий ўзига ҳо хусусиятларини мумкин қадар тўла ҳисобга олиш, бу соҳадаги ишнотларга миллий тус бериш керак.

Шу муносабат билан Ўзбекистон ССР давлат тили тўғрисидаги Қонуни бажариш масалаларига тўхталиб ўтиш зарур. Бир қанча ҳолларда Қонунни амалга ошириш лавҳалари ва қўрсаткичларни алмаштиришдан наҳага ўтмаётганлигини тан олиш лозим. Мисол излаб ўтирмай ўзимизнинг партиявий иш юртишимиз билан танишиб чиқишимиз керакдир.

Лекин бошқа томонга, оғиб кетишлар ҳам бўлмоқдаки бундай аҳвол рус тилида гаплашувчи аҳолини ташвишга солмоқда.

Биз тил тўғрисидаги Қонуннинг амалга оширилиши ҳужумат қабул қилган дастурга мувофиқ ўтиши, шаҳардаги барча ижтимоий таъбақаларни жипслаштириш учун шароитларни яратилиши керак.

Шаҳар партия комитетининг ташаббуси билан «Маҳалла» комплекс дастури ишлаб чиқилиб, амалга оширилаётганлиги шаҳар партия фаолиятига маълум.

Маҳалла — шаҳарнинг ижтимоий бўғини бўлиб шаҳар аҳолисининг салкам 70 фоизи маҳаллаларда яшайди. Шу сабабли шаҳар турмушининг барча муаммолари маҳаллада қўзғудати қайи қас эгадир. Маҳалла барча ўрғ-одаларимиз ва маросимларимизнинг хазинасидир. Шу йил кўзда маҳалла комитетлари раислари ва фаолларининг биринчи шаҳар қурултоий бўлади. Унда демократиялаш ва янгилашнинг шароитида маҳалланинг қандай бўлиши тўғрисида батафсил гаплашиб олинади.

Биз маҳаллаларнинг иқтисодий, ижтимоий ва экологик масалалари мажмуасини ҳал қилишда қатнашиб унинг маънавий имкониятларини рўёбга чиқаришда катта ёрдам беришимиз мумкин.

КПСС XXVIII съезди резолюциялари орасида «КПСС оммавий ахборот воситалари

тўғрисида»ги резолюция алоҳида ўрин тутди. Бу резолюциянинг асосий қондаларини шаҳар оммавий ахборот воситаларига нисбатан тўла жорий этиш мумкин. Газета мақолалари маъмуни ва йўналиши қандай ўзгариётганлигини, шаҳарнинг тез ўзгариётган ижтимоий-сиёсий турмушида уларнинг роли қандайлигини ўзингиз қўриб турибсиз. Ҳар бир киши оммавий ахборот воситаларининг ролини етарли эмас деб ҳисоблайди. Бизнингча, газеталаримиз шаҳар коммунистлар ижтимоий-сиёсий турмушида уларнинг роли қандайлигини сезирлик билан пайқаб боришлари, қийинчиликлариимизнигина эмас ютуқларимизни ҳам кўрсатиб бериши керак. Назаримизда, ҳозир жамиятимизни соғломлаштириш жараёлининг кенгроқ ёритиш, иккидун тажриба «зарраларини» тўпаш керак. Коммунистларнинг мақолалари асосини равишда кам эълон қилинмоқда, сибасатчилар, социологлар ва олимларнинг мунозарага сабаб бўладиган ва сиёсий материаллари кам, Ўзбекистон, Тошкент шаҳри тарихи тўғрисидаги мақоладор, ёшларни байналмиллатлик ва ватанпарварлик руҳида тарбиялашга оид материаллар кам босилмоқда.

Шаҳар партия комитети «Матбуот ва бошқа оммавий ахборот воситалари тўғрисидаги СССР Қонуни кучга кирганлигини ҳисобга олиб ана шу Қонунга мувофиқ мусоис ва газеталар редакцияларининг ўзаро муносабатларини шартнома асосида қайта қўриб чиқишни қўзда тулмоқда.

Молиявий мустақиллигининг берилиши, ҳар икки томон шартнома мажбуриятларини бажариши редакция жамоалари иш шароитини яхшилашга имкон беради, газетхонлари кўпроқ жалб этишда уларга жиддий мадад бўлади.

Редакцияларнинг жамоалари ва биринчи навбатда уларда ишлаётган коммунистлар ўз ишларига баҳо беришга тағин ҳам талабчанлик билан ёндашиллари, янги мавзуларни, материални ташкил этишининг янги шакллари фаоллик билан излашлари зарур. Улар қайта қириш жараёнида жамиятни янгилаш ва жипслаштиришнинг коллектив ташкилотчилик муҳим ва фавақулда маъсулиятли вазифини бажарётганликларини эсда тутишлари лозим.

Биринчи навбатда бажаришимиз лозим бўлган вазифаларимизнинг айрим қизғалири ана шунлардан иборат. Ҳўрқоллар КПСС XXVIII съезди, Ўзбекистон Компартиясининг XXII съезди келгуси даврдаги фаолиятимизнинг асосий йўналишларини белгилаб берди. Пленумда ишчилик билан, амалий муҳокама қилиш бундан кейинги ишлаб чиқишга ёрдам беради, деб ўйланади. Лекин ҳар бир коммунист, ҳар бир бошланғич, район ва бутун шаҳар партия ташкилотчи ҳаракат қилмаси, ташаббускорлик билан, ҳужумкорлик билан, гайрат билан ҳаракат қилмаси, бу дастур ҳам шунчани яхши ният бўлиб қолаверади.

Мухаррир ўринбосари С. Б. ЕҚУБОВ.

## РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР

ОТА-ОНАЛАР ВА КИРОВ НОҲИЯСИ ҲЎҚУВЧИЛАРИ

**ДИҚҚАТИГА!**  
ТОШКЕНТ ШАҲАР КИРОВ НОҲИЯСИ ХАЛҚ ТАЪЛИМИ БЪЛИМИ ИХТИСОСЛАШГАН СИНОФЛАРГА

**ҲЎҚУВЧИЛАР ҚАБУЛ ҚИЛАДИ**

- 150-мактаб (таълим ўзбек тилида)нинг араб тили чуқур ўргатиладиган 1-синфи; 265, 272-мактаб (таълим ўзбек тилида)ларнинг Форс тили чуқур ўргатиладиган 1-синфи; 9-мактаб (таълим ўзбек тилида) ва 17-мактаб (таълим рус ва ўзбек тилларида)ларнинг инглиз тили чуқур ўргатиладиган 1-синфи; 51-мактаб (таълим ўзбек ва рус тилларида)нинг франсуз тили чуқур ўргатиладиган 1-синфи; 246-мактаб (таълим рус тилида)нинг хитой тили чуқур ўргатиладиган 1-синфи; 70, 83, 96, 97-мактаб (таълим ўзбек тилида)ларнинг рус тили чуқур ўргатиладиган 1-синфи; 5-мактаб (таълим рус тилида) ва 105-мактаб (таълим ўзбек тилида)ларнинг биология фани чуқур ўргатиладиган 10-синфи; 5, 97, 98, 240, 246-мактаб (таълим рус тилида)ларнинг математика фани чуқур ўргатиладиган 10-синфи; 5, 17, 260-мактаб (таълим рус тилида)ларнинг ҳисоблаш техникаси ва информатика асослари чуқур ўргатиладиган 10-синфи; 80-мактаб (таълим рус тилида)нинг муслика ва таъсирий санъат чуқур ўргатиладиган 1-синфи; 246-мактаб (таълим рус тилида), мактаблараро ягона экспериментал ўқув ишлаб чиқариш маркази (таълим ўзбек ва рус тилларида) Низомий номи Тошкент давлат педагогика институти билан ҳамкорликда «мактабнинг катта пионер етакчиси», «мактабгача болалар муассасаси тарбиячиси», «бошланғич синф ўқитувчиси» ихтисосларини берадиган ижтимоий синфларнинг 10-синфи; Тошкент автомобиль йўллари институти билан ҳамкорликда; 250-мактаб (таълим ўзбек тилида) ва 97-мактаб (таълим рус тилида)ларнинг физика-техника йўналишидаги 10-синфи; Тошкент алоқа электротехника институти билан ҳамкорликда 98-мактаб (таълим рус тилида)нинг физика-техника йўналишидаги 10-синфи; 273-мактаб (таълим ўзбек тилида)нинг кимё, биология фанлари чуқур ўргатилиб, «кичик тиббиёт ходими» ихтисосини берадиган 10-синфи; 9-мактаб (таълим ўзбек тилида)нинг кимё, биология, физика, математика фанлари чуқур ўргатиладиган ҳамда лаборант ва кичик тиббий ходим ихтисоси бериладиган 5-синфи.
- КЕЛТИРИБ УТИЛГАН СИНОФЛАРНИНГ БАРЧАСИГА 25 АВГУСТГАЧА ТАНЛОВ АСОСИДА ҚАБУЛ ҚИЛИНАДИ.**  
Маълумотлар олиш учун телефонлар: 34-22-00, 34-17-27.

## ЗЕНИТ-7™ фирмали

Техно-савдо маркази

(Чехов кўчаси, 10-уй, метронинг «Ойбек» станцияси)

**ТАВСИЯ ЭТАДИ**

Электр қувватидан саломатлик йўлида фойдаланиш биз учун оддий бир ҳол бўлиб қолди. Кўпгина ҳолларда — айниқса невралиги, тоғайларнинг қотиб қолиши, беланги касалликларида айни шу электр қуввати жонимизга оро кирди. Бироқ, кўпича поликлиникага бориш ноқулай ёки қийин бўлади. Айни шундай пайтларда уйда «ЭЛЕАН», ВА «МИРАБЕЛЬ» СИЗГА ЕРДАМ

**БЕРАДИ**

«ЭЛЕАН» — кичик ҳажмли бир каналли электр импульсли ва нур импульсли стимулятор бўлиб, неврологик мелиб чиқишга эга бўлган оғрик аломатларини даволашда қўлланади. Бу асбоб қувватининг таъсир кучи ниҳоятда паст бўлиб, даражасига кўра биотоклар қувватига тенгдир.

9 В кучланишли «Крона» типидagi батарея билан ишлайди.

«МИРАБЕЛЬ» деб номланган иккинчи аппарат аса электр воситасида оғриқсизлантириш учун хизмат қилади, яъни унинг таъсир кучи периферик асаб системасига электр импульслари билан таъсир қилишга асосланган. Мазкур аппарат неврологик оғриқларини яна эмас, балки айрим шомоллаш хасталиқларида, жароҳатланшиш ва яраларда пайдо бўладиган оғриқларни ҳам кетказида. Ва яна, энг муҳими, «Мирабель» мушаклар толиқишида ҳам катта ёрдам кўрсата олади!

9 В кучланишли «Корунд» типидagi батарея билан ишлайди.

Ҳар бир аппаратнинг баҳоси — 35 сўм. Магазин соат 10 дан 19.00 гача ишлайди, танасфус соат 14 дан 15.00 гача. Дам олиш кўни — душанба. Телефонлар: 54-04-92, 54-26-52.

«Зенит-7» фирмали техно-савдо маркази.

«Союзреклама» Бутуниттифоқ ишлаб чиқариш бирлашмасининг Ўзбекистон реклама ишлаб чиқариш корхонаси.

## Тўйлар мубораки!

Киров номи маданият уйининг тўй тантаналарида маданий хизмат қилишга мослаштирилган репертурга эга бўлган

«БАХТ» АНСАМБЛИ

Еш келин-куёвларнинг никоҳ тўйларини ўтказишда ХИЗМАТИНГИЗГА ТАЙЕР!

Мурожаат қилиш учун манзил: М. Турғубоева кўчаси, 40-уй, Киров номи маданият уйи (48-е), 56-автотўс-ларнинг «М. Турғубоева кўчаси» бекати). Телефонлар: 48-78-53, 34-34-38.

ОТА-ОНАЛАР, ҲЎҚУВЧИЛАР ВА 9-СИНОФИ БИТИРГАНЛАР

**ДИҚҚАТИГА!**

Машинасозлик институти қошидаги тажриба ўқув-илмий ишлаб чиқариш бирлашмаси

узлуксиз техникавий маълумот олишининг ягона давлат системасини амалга ошириш мақсадида Тошкент шаҳридаги мактабларнинг 9-синф битирувчиларини

**ТОШКЕНТ МАШИНАСОЗЛИК ИНСТИТУТИГА КИРИШ УЧУН КАДРЛАРНИ РУСЧА ВА ЎЗБЕКЧА ҲЎҚИТИЛАДИГАН ИККИ ПОҒОНАЛИ ТАЙЁРЛАШ СИСТЕМАСИ БЎЙИЧА ҲЎҚИТИШ УЧУН ҚЎШИМЧА**

**ҚАБУЛ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ**

- Икки поғона бўйича Тошкент машинасозлик институтига кириш учун мақсадли йўналишдаги олдиндан тўлжалланган хунаар ўрганиш билан бирга янги таъриб дастури асосида 36-хунаар-техника билим юрти қошида олиб борилади.
- Ҳўқш муддати 1 поғонада — 2 йил.
- Қабул танлов асосида ўтказилади ва физика, математика фанларидан кириш имтиҳонлари тоширилади.
- Бу фанлар бўйича ўқув машғулотларини машинасозлик институтининг ўқитувчилари амалга оширадлар. Бу гуруҳлардаги битириш имтиҳонлари машинасозлик институтига кириш имтиҳони бўлиб саналади. Институтда ўқиб 3,5 йилга қисқаради.
- ТАЙЕРЛАРИЛИ ҚЎЙИЛАДИ МУТАХАССИСЛИКЛАР БЎЙИЧА АМАЛГА ОШИРИЛАДИ:
- I ПОҒОНА — ишчи касби; кенг ихтисосдаги дастгоҳчи электрғаз пайвандчи, синувчи-тракторчи.
- II ПОҒОНА — металл кесувчи дастгоҳлар ва асбоблар, машинасозлик технологияси, автомобиль ва тракторсозлик.
- Ҳўқш вақти меҳнат фаолиятига қўшилади.
- I поғона бўйича 36-хунаар-техника билим юртида ўқитган ўқувчилар ўқиб даврда давлат таъминотида бўладлар.
- Ҳўжжатлар 25 АВГУСТГАЧА ҚАБУЛ ҚИЛИНАДИ. Имтиҳонлар гуруҳлар тўлгандан сўнг бошланади.
- Тажриба гуруҳларга кирувчилар қўйидаги ҳўжжатларини тоширишлари керак: 36-хунаар-техника билим юрти директори номига ариза, тўлиқсиз ўрта маълумот ҳақида гувоҳнома, тиббий маълумотнома (086/V андозадаги), яша ш жойидан маълумотнома, 6 дна (3x4 см.) сурат.
- Қабул комиссияси соат 9 дан 17.00 гача ишлайди.
- Қўйидаги манзила мурожаат қилишишнинг мумкин: 700177, Тошкент шаҳри, I-Тракторсозлар даҳаси, (24, 105-автотўсларнинг сўнги бекати; 6, 13; 22-трамвайларнинг «4-ТТЗ» бекати).
- ТЕЛЕФОН: 64-67-96.

ФРУНЗЕ РАЙОН ХАЛҚ ТАЪЛИМИ БЪЛИМИ

Педагогика соҳасидаги касбларни эгаллашни хоҳловчиларини

**ПЕДАГОГИКА СИНОФЛАРИГА ТАКЛИФ ҚИЛАДИ**

Битирув имтиҳонлари бу — педагогика олийгоҳига кириш имтиҳонларидир.

20-кеччи-сменали мактабга кириб, кичик тиббий ходим бўлиб чиқарилади.

Ҳўқш ўрта мактабларнинг 9-синфларини тамомлаган ўқувчилар қабул қилинади.

Ҳўжжатлар — 30 августгача қабул қилинади.

Маълумотларни қўйидаги телефонлар орқали оласиз: 55-95-41, 55-75-83, 56-15-97.

ЎЗБЕКИСТОН ССР ХАЛҚ ТАЪЛИМИ ВАЗИРЛИГИ

ЎЗБЕКИСТОН ССР ХАЛҚ ТАЪЛИМИ БОШ БОШҚАРМАСИ

ТОШКЕНТ ШАҲАР СЕРГЕЛИ НОҲИЯСИ ХАЛҚ ТАЪЛИМИ БЪЛИМИ

ИХТИСОСЛАШТИРИЛГАН 10-СИНОФЛАРГА

**ҲЎҚУВЧИЛАР ҚАБУЛ ҚИЛАДИ**

- 3-Сергели даҳасидаги 7-мактабнинг Низомий номи педагогика институти билан ҳамкорликдаги педагогика синифи. Таълим алоҳида дастур асосида олиб борилади.
- Қабул психологик йўналиш ва «Правец-8» шахсий электрон ҳисоблаш машиналари қўлланилган ҳолда танлов асосида амалга оширилади.
- 2-мактаб (Спутник, 6-квартал)нинг физика, математика, информатика ва йўналишдаги чуқур таълим берадиган физика-математика синифи, рус синфларида юқори таълим берадиган ўзбек тили ҳамда Ўзбекистон тарихи ва маданияти курсларини ўқитадиган ижтимоий синифи;
- Тошкент меҳмонхоналар ҳўжалик техникаси билан ҳамкорликда ўқувчиларга «тикувчи-моторист», «пардозчи-саргарош», «дизайнер», «тикув машиналари чилангари», «авточилангар» касбларини ўргатиладиган синифи;
- 285-мактаб (Спутник, 16-квартал)нинг 8-Тошкент шаҳар шифохонаси билан ҳамкорликдаги тиббиёт синифи. Ҳўқшчилар умумий ихтисоси тиббий ҳақида мутахассислиги бўйича таълим олишади.
- Қабул психологик йўналиш ва «Правец-8» шахсий электрон ҳисоблаш машиналари қўлланилган ҳолда танлов асосида ўтказилади.
- 252-мактаб (Қўйилқ 5 даҳаси)нинг инглиз тили чуқур ўргатиладиган синифи;
- 6-мактаб (2-Сергели даҳаси)нинг инглиз тили чуқур ўргатиладиган синифи.
- Ҳўжжатлар 27 АВГУСТГАЧА СОАТ 10 ДАН 13.00 ГАЧА ҚАБУЛ ҚИЛИНАДИ.
- Маълумотлар олиш учун Тошкент шаҳар, Спутник даҳаси, 6-мавзе, 9-уйга учрашиш мумкин.
- 58-78-60, 58-67-53 телефонлари орқали маълумот олиш мумкин.

«ГўЗАЛЛИК, ПАРДОЗ, САЛОМАТЛИК»

Тошкент шаҳар, Акмал Ибромов районидagi 106-ўрта мактаб томонидан Гофуров Абдулмутаб Патоҳович номига берилган № 232151 номерли йўқолган тўлиқсиз ўрта маълумот тўғрисидаги гувоҳнома БЕКОР ҚИЛИНАДИ

**ТОШКЕНТ ОҚИМОИ**